



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи

Муҳтарам Раис Вўлкан Бозкир жаноблари!

Муҳтарам Бош котиб Антониу Гутерриш жаноблари!

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Бош Ассамблеянинг етмиш бешинчи сессияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тарихида биринчи марта бутунлай янги форматда – коронавирус пандемияси тўғрисида онлайн мулоқот режимида бўлиб ўтмоқда.

Бундай глобал фалокат сайёрамизда сўнгги юз йилда кузатилмаган эди. Бу офат бутун инсониятнинг заиф жиҳатларини яққол кўрсатди. Ҳозирги таҳликали ва мураккаб вазият ер юзидаги барча давлатлар ва халқлар ўзаро боғлиқ эканини, ўртада мунтазам мулоқот, ишонч ва яқин ҳамкорлик ўта муҳимлигини исботлади.

Шу йўлда барчамиз ҳукуматлар, парламентлар ва фуқаролик жамиятларининг ўзаро саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, умумий масъулият тамойилларини мустаҳкамлаш, халқаро шерикликни мувофиқ ҳолда ривожлантириш, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мақоми ва салоҳиятини ошириш, ваколатларини кенгайтириш лозимлигини чуқур англадик.

Мақсадимиз – ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, саломатлигини ва фаровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни биргаликда яратишдир.

Бу борада биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида **Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни** ишлаб чиқишни таклиф этамиз. Ушбу ҳужжатда ҳар бир давлатнинг ўз фуқаролари ва халқаро ҳамкорлари

олдидаги мажбуриятлари акс этиши лозим.

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

Биз Ўзбекистонда COVID-19 қайд этилган дастлабки кунлардан бошлаб барча саъй-ҳаракат ва ресурсларимизни бу хавфли касалликни жоловлан ва энг асосийси – одамлар ҳаётини сақлаб қолишга қаратдик.

Пандемиянинг салбий оқибатларини юмшатиш учун ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимлари кескин кучайтирилмоқда, аҳолига, иқтисодиёт тармоқлари ва бизнесга манзилли кўмак кўрсатилмоқда. Шу мақсадда махсус жамғармалар тузилди.

Фурсатдан фойдаланиб, синовли дамларда бизга беғараз ёрдам кўрсатган барча дўст ва ҳамкорларимизга чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Биз халқаро ҳамжамиятнинг пандемияга қарши самарали курашиш бўйича барча ҳаракатларини, жумладан, зарур дори-дармон ҳамда вакциналар ишлаб чиқиш ва улардан кенг фойдаланишга қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватлаймиз.

Шунингдек, Бош котиб Антониу Гутерриш жанобларининг бугунги инқирозли вазиятда озиқовқат хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб мумолярига бағишланган саммитни ўтказиш бўйича таклифини маъқуллаймиз.

Хурматли Бош Ассамблея сессияси иштирокчилари!

Бундан уч йил муқаддам мен Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг олий минбаридан Ўзбекистоннинг туб ислохотларни амалга ошириш бўйича қарори қатъий эканини айтган эдим.

Жамиятни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилиш бўйича кенг қўламли чора-тад-

бирларимиз натижасида янги Ўзбекистон шаклланди. Бугунги кунда мамлакатимизда демократик ўзгаришлар орта қайтмайдиган тус олди.

Ўтган йили Парламентга ўтказилган сайловлар аҳоли ва партияларнинг сиёсий фаоллиги, фуқаролик жамияти институтларининг роли, оммавий ахборот воситаларининг таъсири ошганини намоён этди.

Биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучаймоқда. Янги Парламентимизда аёл депутатлар сони икки баробарга кўпайди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳолат ҳам бутунлай ўзгарди. Мажбурий ва болалар меҳнати тўлиқ тугатилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилинди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайитиришга қаратилган чақириғига жавобан шу йилнинг ўзида 50 минг юртдошимизга Ўзбекистон фуқаролиги берилди.

Мамлакатимизда диний эркинлик борасида ҳам вазият кескин яхшиланди. Миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш биз учун доимий муҳим вазифадир.

Судларнинг чинакам мустақиллиги ва қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган кенг қамровли ислохотлар изчил амалга оширилмоқда.

Коррупцияга қарши муросасиз кураш янги босқичга кўтарилди. Бу борада муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, мустақил тузилма – Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар жадал давом эттирилмоқда. Биз биринчи марта камбағал-

ликни камайитириш ҳақидаги қатъий қароримизни очиқ эълон қилдик. Бунга тadbirkorликни ривожлантириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш, инвестиция ва бизнес муҳитини яхшилаш ҳамда замонавий инфратузилmani барпо этиш, одамларни янги касб-хунарларга ўргатиш ва аҳолига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш орқали эришмоқдамиз.

Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этади. Республикаимизда ҳар бир йигит-қизнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши ва ўз салоҳиятини намоён этиши учун улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда Ёшлар парламентлари, Ёшлар ишлари агентлиги фаолият кўрсатмоқда.

Август ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида ёшлар ҳуқуқларига бағишланган Самарқанд халқаро форуми муваффақиятли ўтказилди.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор **Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти конвенциясини** қабул қилиш бўйича Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватлашга чақираман.

Бундан ташқари, **Барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролин**и ошириш тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилишни таклиф этамиз.

Хурматли дўстлар!
Ҳозирги вақтда Марказий Осиё минтақасида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Биз минтақа давлатлари ўртасида яхши қўшничилик ва ўзаро ишонч, дўстлик ва ҳурмат муҳитини яратишга эришдик.

УШБУ СОНДА:

Аёлга эътибор – ҳаётга эътибор демакдир



4

Вақтга қуллук қиладиган одам



5

Идораларда ижро интизоми: илгаригидан илгари(ми?)



7

Кўза кунда синиши мумкин



8

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи

◀ Бошланиши 1-саҳифада.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган ташаббусга асосан мунтазам ўтказилаётган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари умумий ютуғимиз бўлди.

Охириги тўрт йилда Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан ўзаро савдо ҳажми салкам беш баробарга ўсди.

Мамлакатларимиз ушбу синовли кунларда бир-бирини ёлғиз қолдирмасдан, ўзаро елкадош бўлдилар.

Бугун Марказий Осиё давлатлари олдида муҳим стратегик вазифа турибди. У ҳам бўлса, минтақамизнинг глобал иқтисодий, транспорт ва транзит йўлакларига чуқур интеграциясини таъминлашдир.

Шу муносабат билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида **Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очишни** таклиф этамиз.

Бугунги кунда Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш соҳасида ҳам самарали ҳамкорлик олиб борилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Глобал антитеррор стратегияси муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Биз ушбу стратегия доирасидаги **Минтақавий қўшма режанинг 10 йиллик натижалари ва келгуси истиқболларига бағишланган халқаро конференцияни ўтказиш** тарафдоримиз.

Маълумки, минтақамизнинг кўҳна ва бой маданий мероси глобал аҳамиятга эга. Биз 2021 йилда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда қадимий Хива шаҳрида **“Марказий Осиё жаҳон цивилизация-**

лари чорраҳасида” деган мавзуда халқаро форумни ўтказишга тайёрмиз.

Хурматли сессия иштирокчилари!

Биз Афғонистонни Марказий Осиёнинг ажралмас қисми сифатида қабул қиламиз. 2018 йил март ойида ўтказилган Афғонистон бўйича олий даражадаги Тошкент конференцияси Афғон муаммосини ечиш учун халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатларини сафарбар этишда янги босқич бўлди.

Биз жорий йилнинг сентябрь ойида Доҳа шаҳрида Афғон сиёсий кучлари ўртасида бошланган тинчлик музокараларини тўла қўллаб-қувватлаймиз. Бу музокаралар жафоқаш Афғон заминида тинчлик ва барқарорлик ўрнатишига умид қиламиз.

Минтақада иқтисодий интеграция жараёнларига Афғонистонни кенг жалб этиш мақсадида “Сурхон – Пули Хумри” электр узатиш тармоғини, Мозори Шарифдан Ҳинд океани портларига чиқадиган темир йўл қурилиши каби йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга киришдик.

Фикримизча, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш масалалари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг доимий эътибори марказида бўлиб қолиши зарур.

Фақат биргаликда ва яқин ҳамкорлик орқали биз Афғон халқининг эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқаришимиз мумкин. Бу борада “Беқарор ва вайронкор вазиятдан – тинчлик ва бунёдкорлик сари” деган тамойил асосида иш олиб бориш муҳимдир. Шу боисдан **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузурида Афғон халқининг дарду ташвишини тинглайдиган, доимий фаолият кўрсатадиган қўмита ташкил этиш лозим.** Ушбу қўмитанинг асосий

вазифаси Афғонистоннинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига кўмак беришдан иборат бўлиши зарур.

Хурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!

Давримизнинг ўткир муаммоларидан яна бири – глобал иқлим ўзгаришларидир. Бугунги кунда ҳар бир мамлакат бу жараённинг салбий таъсирини ҳис этмоқда. Минг афсуски, бундай ўзгаришлар Марказий Осиё тараққиётига ҳам катта хавф туғдирмоқда.

Эътиборингизни яна бир бор Орол денгизи қуришининг ҳалокатли оқибатларига қаратмоқчиман. Оролбўйи ҳудуди экологик фожианинг марказига айланди. Биз мавжуд аҳволни яхшилаш учун бу ерда икки миллион гектар янги ўсимлик майдонлари ва дарахтзорлар яратиш, тупроқ қатламини шакллантириш бўйича улкан ишларни амалга оширмоқдамиз.

Мамлакатимиз ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида Траст фонди тузилди. Умид қиламизки, ушбу фонд оғир экологик ҳудудда яшаётган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш учун халқаро ҳамжамиятнинг таянч платформаси бўлиб хизмат қилади.

Биз Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш ҳақида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилишни таклиф этамиз. Ушбу муҳим ҳужжат тасдиқланган санани эса Халқаро экологик тизимларни ҳимоя қилиш ва тиклаш куни сифатида нишонлаш мақсадга мувофиқ бўларди.

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

Сўзимнинг якунида яна бир фикрни таъкидлашни истардим. Жаҳоннинг турли нуқталарида нотинчлик сақланиб қолаётгани, зиддият ва зўравонликлар ортиб бораётгани, экологик офатлар ва бошқа замонавий хатарлар қашшоқлик ва камбағалликнинг глобал муаммоларини кучайтирмоқда.

Бу муаммолар айниқса пандемия шароитида кескин тус олмақда. Тобора ташвишли оҳанг касб этаётган қашшоқликнинг овози бутун дунё ҳамжамиятини, барчамизни безовта қилиши зарур.

Шу муносабат билан қашшоқликни тугатиш ва камбағалликка қарши курашишни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси навбатдаги сессиясининг асосий мавзуларидан бири сифатида белгилаш ҳамда ушбу масалаларга бағишланган глобал саммитни ўтказишни таклиф этамиз.

Қадрли дўстлар!

Барчамизга равшанки, пандемиядан кейинги дунёнинг ижтимоий-иқтисодий манзараси бутунлай бошқача тус олади.

Биз хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидаги умумий хатарларга қарши янгича ёндашувлар асосида ва яқин ҳамкорликда ишлашимиз зарур.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мувофиқлаштирувчи халқаро тузилма сифатидаги марказий ўрнини янада кучайтириш лозим.

Ўзбекистон жаҳоннинг барча мамлакатлари билан кенг кўламли ва ўзаро манфаатли шерикликни, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг институтлари билан амалий мулоқотни ривожлантириш учун доимо тайёр.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Ўзбекистон халқаро миқёсдаги

Маълумки, БМТ Бош Ассамблеяси сессияси анъанага кўра инсоният олдида турган долзарб муаммоларни муҳокама этиш, уларга ечим излаб топиш масалаларига бағишланади. Бу борада аъзо давлатларнинг таклиф ва позициялари атрофлича муҳокама қилинади, минтақалар ва инсоният манфаатларидан келиб чиққан ҳолда тегишли хулосалар чиқарилади.

Албатта, нуфузли анжуманда нутқ сўзлаш имконияти ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бунда ҳар бир давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, халқаро майдондаги обрў-эътибори, дунёда тинчлик-осойишталикни сақлаш, миллатлараро муносабатларни таъминлашдаги фаол иштироки эътиборга олинади.

Давлатимиз раҳбарининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг навбатдаги 75-сессиясидаги нутқи чиндан-да тарихий воқеа бўлди. 2017 йилнинг сентябрь ойида ҳам БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида маъруза қилган ва бу



Актам ХАЙТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари,
O'zLiDeP фракцияси раҳбари

мамлакатимиз билан БМТ ҳамкорлигининг ўзига хос янги босқичини бошлаб бергани кечагидек ёдимизда.

Айтиш жоизки, Президентимиз БМТ ташкил этилганининг 75 йиллик юбилейидаги маърузасида нафақат минтақамиз, балки жаҳон аҳли учун ўткир ва долзарб бўлиб турган халқаро

миқёсдаги ташаббусларни илгари сурди. Бу эса Ўзбекистоннинг ушбу нуфузли ташкилот доирасидаги муҳим халқаро ташаббуслар ижодкорига айланиб бораётганини дунё жамоатчилигига яна бир бор намоён этди, десак тўғри бўлади.

Биринчидан, пандемия шароитида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиш таклиф этилди. Ушбу ҳужжатда ҳар бир давлатнинг ўз фуқаролари ва халқаро ҳамкорлари олдидаги мажбуриятлари акс этиши лозимлиги таъкидланди. Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда шундай масалалар юзага келяптики, бу муаммоларни бирорта мамлакат яқка ҳолда ҳал этиши мумкин эмаслиги аён. COVID-19 пандемияси ана шу жараёнга ёрқин мисолдир. Бу хатарли касаллик туфайли юзага келган ва ер юзидаги миллионлаб инсонларнинг ҳаёти, турмушига кескин таъсир кўрсатаётган ҳозирги глобал инқироз бутун дунё ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ва бунда БМТнинг ўрни нақадар муҳим эканини кўрсатди.

Шу маънода Президентимиз дунё ҳамжамиятини ушбу ташкилот атрофида янада жипслашишга, коронавирус

балосини халқаро миқёсда тарқатмасликнинг олдини олиш борасидаги алоҳида саъй-ҳаракатларни умумлаштиришга даъват этди. Зеро, барча давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик алоқаларининг мустақамланиши пандемия туфайли вужудга келган кутилмаган вазиятга мослашишга олиб келади.

Иккинчидан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очиш таклифи бугунги куннинг энг долзарб масаласидир. Чунки бу борадаги алоқалар янги босқичга кўтарилса, минтақамиздаги мамлакатлар билан яхши қўшничилик ва ўзаро ишонч, дўстлик ва ҳурмат муҳити янада яхшиланади. Энг асосийси, Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан ўзаро ҳамкорликдаги савдо ҳажми ошади.

Учинчидан, қашшоқликни тугатиш ва камбағалликка қарши курашишни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси навбатдаги сессиясининг асосий мавзуларидан бири сифатида белгилаш ҳамда ушбу масалаларга бағишланган глобал саммитни ўтказиш таклиф этилди. Чиндан ҳам, бугунги

Навоий тилидаги нутқ хаяжони

Дилором ФАЙЗИЕВА,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар
қўмитаси раиси, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси



Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласи бўйича БМТ Бош Ассамблеяси томонидан алоҳида резолюция қабул қилинишини таклиф этди. Ушбу ҳужжатда акс этиши лозим бўлган жиҳатлардан бири давлатлараро муносабатларда парламентлар ролини янада ошириш асос қилиб олинаётгани жуда муҳимдир. Негаки – барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш йўлида ҳозир Олий Мажлисда икки палата аъзоларидан иборат парламент комиссияси ўз ишини бошлади. Бу борада ҳукуматимиз қарори қабул қилинган. Ва кўриниб турибдики, бугун Ўзбекистонда парламент назоратининг кучайтирилиши

инсон ҳуқуқлари ҳимояси таъминланишида ўзига хос дастак бўлиб хизмат қиляпти. Айнан ушбу халқчил тажрибанинг оммалашуви давлатимиз нуфузини халқаро майдонда яна оширади. Ўйлайманки, маърузада тилга олинган барча глобал масалалар бутун дунё аҳлини ўйлантираётгани билан аҳамиятлидир.

Президентимизнинг шундай юксак минбар орқали улуғ Алишер Навоий тили – ўзбек тилида маъруза қилгани шахсан мени ҳам қаттиқ ҳаяжонга солди. Муболағасиз айтиш керак, агар БМТнинг ташкил этил-

Шавкат Мирзиёев ўз маърузасида “Миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш биз учун доимий муҳим вазифадир” дея алоҳида таъкидлаб ўтгани бежиз эмас. Негаки,

Виктор ПАК,

Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати, О'зЛиДеР
фракцияси аъзоси



ганига 75 йил тўлган бўлса, бу ташкилотда биринчи марта ўзбек тилида нутқ сўзлангани тарихий воқеа эмасми? Шунинг ўзи кўп миллатли Ўзбекистон халқи учун ўзига хос ифтихор, бахт десам арзийди. Шахсан мэн корейс миллатига мансуб бўлсам-да, ўзимни ўзбек фарзанди деб ҳисоблайман. Чунки бизнинг ота-боболаримиз бундан 81 йил муқаддам шу юртга тақдир тақозоси туфайли келиб қолган бўлса, ўзбеклар бағрига олиб, бир бурда нонини баҳам кўрган.

бугунги кунда Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотув, бир оила фарзандларидек яшаб келаётгани давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланганидир.

Мен кўпгина хорижий давлатларда бўлганман. Баъзан сизларда миллий озчилик миллат вакиллари қандай яшяпти, деб сўраб қолишади айримлар. Ҳайронлик билан бизда бундай атама йўқ, ахир, ҳаммамиз тенг ҳуқуқимиз деб жавоб бераман.

Нодир ЖУМАЕВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси



Мамлакатимиз раҳбарининг бу чиқишлари ўзини Ўзбекистон фарзандиман, ўзбекман деб фахрланиб юрган ҳар бир инсон юрагида ўзгача ғурур уйғотди. Эътибор берган бўлсак, маъруза, энг аввало, инсон омилига алоҳида эътибор қаратилгани билан ажралиб турди. Биргина мисол, пандемия шароитида барча давлатларнинг бир-бирига сиёсий боғлиқлигидан ташқари иқтисодий муносабатларда ҳам ғоят яқинлигига алоҳида урғу берилди. Яъни, бутун дунё аҳли

учун жуда катта хавф солиб турган пандемиянинг салбий оқибатларини юмшатиш борасида айнан Ўзбекистон шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва асосийси, соғлиқни сақлаш тизимларида қандай амалий ҳаракатлар олиб борилгани айтиб ўтилди. Шунингдек, биринчи навбатда халқимизнинг муҳтож қатламига моддий ёрдам бериш, ўз навбатида, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда бизнес соҳаси вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали уларга манзилли кўмак кўрсатилгани, махсус жамғармалар тузилгани ҳаётини мисол сифатида келтириб ўтилди.

Бир сўз билан айтганда, бугунги куннинг энг долзарб муаммолари ва уларнинг ечимлари батафсил қамраб олинган маърузанинг мазмун-моҳиятини барчамиз чуқур англаб олишимиз керак.

ташаббуслар ижодкори

кескин глобаллашув ва рақобат жараёнида қашшоқлик ва камбағаллик масаласи кун тартибига чиқмоқда. Бу муаммолар, айниқса, пандемия даврида кескин тус олди. Уларни ҳар бир мамлакат яққа ҳолда эмас, биргаликда ҳал этиши энг тўғри йўлдир. Қолаверса, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг ишбилармонлик қобилиятларини рўёбга чиқариш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, бу борада ўзаро тажриба алмашиш ҳам яхши самара беради.

Ишончимиз комилки, бу каби ташаббуслар жаҳон ҳамжамияти ва БМТ раҳбарияти томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланади. Зеро, илгари сурилган изчил таклифлар бугунги кунда бутун инсониятни ўйлантириб келаётган долзарб ва муҳим масалаларни ижобий ҳал этишга қаратилган муҳим қақриқдир.

Умуман олганда, ўтган йиллар давомида халқаро ҳамжамият қандай ютуқларга эришган бўлса, бунда ушбу нуфузли ташкилотнинг ўрни ниҳоятда муҳим. Шу жиҳатдан Ўзбекистон учун БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Ҳамкорликни янги даражага кўтариш

бўйича Ҳаракатлар режаси (йўл харитаси) ишлаб чиқилгани бу борадаги амалий қадамдир. 17 йўналишни ўз ичига олган “Йўл харитаси” давлатимиз раҳбарининг ташқи сиёсий ташаббуслари, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган таклифларини ўз ичига олгани билан аҳамиятлидир.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, эндиликда Ҳаракатлар режасига мувофиқ, БМТ институтларида фаолият юритиш учун Ўзбекистон ҳам ўз номзодларини киритиш имкониятига эга бўлади. Ушбу ҳужжатдаги вазифаларнинг тўлиқ рўёбга чиқарилиши муносабатларимизни янги, янада юқори босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Яна бир муҳим жиҳат, Ҳаракатлар режаси, барча, айниқса, жамиятнинг энг заиф ва эҳтиёжманд қатлами учун инсон салоҳиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида миллий, минтақавий ва глобал даражаларда БМТ тизими билан ҳамкорлик муносабатларини чуқурлаштириш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган. Бир сўз билан айтганда, ушбу амалий режа Ўзбекистоннинг ҳар томонлама муносабатларга содиқлигининг муҳим исботидир.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг асосий миссияси ва ҳар бир давлатнинг ушбу мураккаб даврдаги долзарб вазифаси халқаро ҳамжамиятда алоҳида хавотир ва ташвиш уйғотувчи озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга масъулият билан ёндашишдир. Чунки мамлакатлар эришаётган муваффақият, халқаро аҳвол қандайлигидан қатъи назар, аҳолининг барча қатламларини фаол ва соғлом ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган миқдорда хавфсиз, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш салоҳиятига боғлиқ.

Ички бозорни озиқ-овқат билан тўлдириш, уларни ишлаб чиқариш соҳасида ўз-ўзини таъминлашга эришиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим сектори ҳисобланган қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан биридир.

Бугунги кунда Ўзбекистон ўзининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш баробарида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш орқали бошқа мамлакатларнинг озиқ-овқат таъминотига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Бу, айниқса, кўплаб давлатларнинг

протекционистик чораларни қўллаётган бир пайтда яққол намоён бўляпти.

Шу жиҳатдан Президентимизнинг “Бош котиб Антониу Гутерриш жанобларининг бугунги инқирозли вазиятда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб муаммоларига бағишланган саммитни ўтказиш бўйича таклифини маъқуллаймиз” деган чуқур маъноли фикрлари нуфузли халқаро анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Негаки, бутун дунёда озиқ-овқат тақчиллиги хавфи ортиб бораётган бир пайтда Ўзбекистон раҳбарияти нафақат ички талабни қондириш, балки ташқи бозорга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш ҳажмини ошириш имконини берадиган муҳим ва зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, БМТ ташкил этилганининг 75 йиллик юбилейи мамлакатлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик кўламини кенгайтириш, нафақат Ўзбекистонда, балки бутун жаҳонда барқарорлик, ривожланиш ҳамда фаровонлик манфаатлари йўлида биргаликдаги ишларнинг янги йўналишларини белгилаб олишга замин яратади.

Мулоқот

Аёлга эътибор – ҳаётга эътибор демакдир

✓ Камбағал оилалар, хусусан, мададга муҳтож аёлларга кўмак беришга партия нечоғли эътибор қаратяпти?

✓ Эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган партиявий ишлар кутилган натижани беряптими?

✓ Бу йўналишда қандай камчиликлар кўзга ташланяпти? Уларни бартараф этиш учун нималар қилиш керак?

О‘зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятда тутган ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан ўтказилган давра суҳбатида ана шу сингари саволларга аниқ жавоблар изланди, опа-сингилларимизни қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар самарадорлигини ошириш йўллари муҳокама қилинди.

Мулоқотни партия Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раисининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раиси Мавлуда Хўжаева олиб борди. У ўз сўзида Президентимиз шу йил январь ойида парламентга йўллаган Мурожаатномасида аҳоли фаровонлигини ошириш ва фуқаролар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бош вазифаларимиздан бири бўлиб қолишини таъкидлаганига эътибор қаратди. Иқтисодиётимизни мустаҳкамлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсати тубдан янгиланаётгани, тегишли идоралар, вазирликлар ташкил этилгани хусусида тўхталди. Бу борадаги саъй-ҳаракатларимизни Хитойнинг камбағалликни бартараф этиш стратегияси билан таққослаш мумкинлигини қайд этди.

Дарҳақиқат, ушбу давлатнинг тутган йўли самарали экани аллақачон исботланган. ХХРнинг қашшоқликка қарши курашдаги муваффақияти негизда манзилли ёрдам, қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар, камбағал аҳолини касб-ҳунарга ўргатиш, инфратузилма ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш каби асосий омиллар мужассам. Камбағалликни камайтиришнинг рекорд суръатларини намойиш этаётган бу мамлакат ўтган 40 йил мобайнида 740 миллиондан ортиқ кишини қашшоқлик исканжасидан ҳалос этди. Худди Хитойдагидек Ўзбекистонда ҳам манзилли ёндашув ижтимоий ҳимоя тизимининг асосий элементларидан бири. Муҳтожлар тегишли ташкилотлар тавсияси асосида “темир дафтар”га киритилляпти. Худудларни секторларга бўлиш услуби билан иш юритилиши, ночорларга ёрдам кўрсатиш нуқтаи назаридан олганда ҳам ўзини оқляпти.

– Қийналаётган аёлларга пул



ёки озиқ-овқат бериш муаммони ҳал қилмайди, – дея сўзларини хулосалади М.Хўжаева. – Уларга пул топиш йўллари ўргатишимиз, фикрлаш тарзини ўзгартиришимиз зарур. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, одамларга балиқ эмас, қармоқ беришимиз даркор. Муҳтож хотин-қизларни тадбиркорликка йўналтириш масаланинг энг мақбул ечимидир. Эътиборлиси, О‘зЛиДеР ўз салоҳиятини ишга солиб, камбағалликни камайтиришдек мураккаб, мушкул вазифа бажарилишига ўз ҳиссасини қўшяпти. Биз бу борадаги ишлар сифати ва салмоғини янада оширишга бел боғлашимиз зарур.

Давра суҳбатида партия “Аёллар қаноти” турли лойиҳалар, хусусан, “Фаровон оила”, “Ишбилармон аёл”, “Бунёдкор аёллар” орқали ишсиз опа-сингилларимизни тадбиркорликка жалб қилаётгани тилга олинди. Масалан, “Бунёдкор аёллар” лойиҳаси хотин-қизларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган. Унинг доирасида шу йили бизнесга қўл урган 96 аёлга банклардан 4 млрд. 285 млн. сўм ажратилишига кўмак берилди ва мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

О‘зЛиДеР Олмазор туман ташкилоти раисининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари, туман Кенгаши депутати Муяссар Нигматова ўртага ташлаган масалалар қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди.

– Опа-сингилларимизга таклиф этилаётган ишлар ёки ўқувлар кўпинча ё тикувчилик, ё пазандачилик бўлади, – деди у. – Наҳотки, аёлларимиз қўлидан бошқа иш келмаса, улар бошқа касбга қизиқмасан? Албатта, улар энг замонавий, инновацион касб-ҳунарларни ҳам эгаллашга қодир. Шу маънода уларнинг иқтидорини тўла рўйбга чиқишига интилишимиз керак. Кейинги йилларда эҳтиёжманд хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган кўплаб меъёрий ҳужжатлар эълон қилинди, жумладан, субсидиялар берилиши йўлга қўйилди. Афсуски, кўплаб аёллар ўзлари учун яратилаётган катта имкониятлардан беҳабар. Биз ижобий ўзгаришлардан уларнинг бар-

часини воқиф қилишимиз зарур.

Партия Сирдарё вилоят кенгаши “Аёллар қаноти” етакчиси Сабоҳат Бобоева юртимизда муҳтожларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш механизми етарлича шаффоф эмаслиги, айрим объектив ва субъектив омиллар мазкур тизим самарадорлигига путур етказётгани тўғрисида гапирди. Фуқароларнинг “темир дафтар”га киритилишида баъзан адолатсизликка йўл қўйилаётганини айтиб, рўйхатларни қайта кўриб чиқиш кераклигини, партиямиз фаоллари бу борада кўмакка шай эканини билдирди.

Тадбиркорлар Мукаррам Тоирова ва Соҳиба Файзиева цех учун жой масаласи, иссиқхона қуриш билан боғлиқ қийинчиликлар тўғрисида сўзлаб, кўмак сўрадилар. Мулоқотда қатнашаётган мутасаддилар бу масалалар билан шуғулланиб, уларга албатта ечим топишларини маълум қилдилар.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бошқарма бошлиғи Шавкат Пўлатов йиғилганларни 2020 йилнинг ўтган даврида ишсиз аҳоли, жумладан, ёшлар, хотин-қизлар ва камбағал оилалар аъзоларини тадбиркорликка жалб этиш, ишбилармонликни ривожлантириш бўйича амалга оширилган айрим ишлар билан таништирди.

Жорий йилда 6,6 минг ишсиз фуқаро, жумладан, 3,2 минг аёлни тадбиркорликка жалб этиш учун Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан 7,2 млрд.сўм субсидия ажратилди. Шунингдек, ишсиз фуқаролар, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш учун 16 та нодавлат касб-ҳунар таълими муассасасига Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан 1,6 млрд. сўм грант ажратилиб, 2 минг ишсиз бандлиги таъминланди.

Давра суҳбати якунида билдирилган таклиф ва тавсиялардан келиб чиқилган ҳолда камбағалликни камайтириш, аёллар бандлигини таъминлаш бўйича “Аёллар қаноти” томонидан амалга ошириладиган ишлар режасига қўшимчалар киритилди.

Беҳзод ИСРОИЛОВ,
“XXI asr” муҳбири

Вилоят кенгашларида

Тошкент давлат аграр университетида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент вилояти Кенгашининг видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган йиғилишида “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастури доирасида партиянинг комплекс чора-тадбирлар дастури ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар танқидий-таҳлилий сарҳисоб қилинди ва навбатдаги устувор вазифалар белгилаб олинди. Шунингдек, партия тузилмалари томонидан ўтган даврда қилинган ишлар сарҳисоб этилиб, аниқ ва таъсирчан чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлиги таъкидланди.

Ютуқлар ўз йўлига, муаммоларни ўйлайлик

Айрим мисол ва рақамларга тўхталмоқ жоиз: Кенгаш қошидаги партия депутатлик гуруҳлари томонидан ўтган муддат ичида турли масалалар юзасидан жами 834 та депутатлик сўрови юборилган. Уларнинг амалда 745 тасига жавоб олинган бўлса, 89 таси (10,7 фоиз)га ҳамон жавоб кутилмоқда, 54 мансабдор шахснинг



ҳисоботи эшитилди, турли бўғиндаги сессиялар кун тартибига жами 63 та таклиф киритилган. Шу билан бирга, ушбу давр оралмида БПТлар сони 951 тага, аъзолар эса эса 87,2 минг нафарга ортди.

Хуллас, тадбирда яна бир қатор муҳим масалалар ҳам атрофлича муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Ва таъкидландики, бу борадаги ютуқлар ўзимизники, муаммолар ҳақида кўпроқ бош қотириш лозим.

О‘зЛиДеР Тошкент вилоят Кенгаши матбуот хизмати

Таҳририятдан:
Ўтган ҳафта О‘зЛиДеР Сиёсий Кенгашида кўтарилган долзарб масалалар, айниқса, ҳудудий кенгашлар олдида турган вазифалар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилаётган йиғилишларда кўриб чиқилляпти.

Очигини айта қолайин: бу инсонни кўп йиллардан бери танийман, фаолиятини кузатаман. Қизиқ жиҳати, ҳар гал бафуржа дардлашишга ҳеч фурсати бўлмади. Бир ҳафта, ўн кунча учрашув хусусида ваъдалашамиз. Қайда, қандайдир зарур юмуши чиқиб қолади. Узрини айтади ва имкони борича ўзи ҳақида гап кетгудек бўлса, бирор баҳона топади. Бу гал бошқача бўлди. Бемалол гурунглашдик. Ўз касбининг етук мутахассиси, илмли, маърифатли, қолаверса, фаол депутат сифатида амалга ошираётган ишлари ҳақида тўхталмоққа изн берди.

Оддий мисол: бир пайтлар туманда иссиқхоналар бармоқ билан санарли эди. Сабаби, газ ёки электр таъминоти бўлмаса, қишнинг совуғида қилинган харажат ва меҳнатга қуйиб қолиш ҳеч гапмас. Шу боис ҳам кўпчилик иссиқхона қуриш ҳақида деярли ўйламай қўйганди. Панжи Жалилов туман Кенгаши сессияси иштирокчилари эътиборини “Муборак иссиқлик электр маркази” акциядорлик жамиятидан чиқадиган иссиқ сувлар билан иситиладиган иссиқхоналар қуришга қаратгач, муборакликлар Муборак газни қайта ишлаш заводи

нинг нархи йил сайин тушаётгани ҳам ана шу саъй-ҳаракатларнинг натижасидир. Қарлиқ, Ширинбулоқ, Зарбулоқ ва Майдаёби қишлоқларининг туманга тегишли ҳудудларида иссиқ сув



дон иқтисодчи, сиёсий етук нотик, ташаббускор депутатдир. 26-Чоретим сайлов округидан халқ депутатлари Муборак туман кенгаши депутати сифатида сайловчилар билан учрашиб, уларни қўйнаб келаётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан қатор ишларни амалга ошириб келяпти. Аҳоли манфаатларини кўзлаб мутасадди идораларга ўндан ортиқ сўровномалар киритди. Худуддаги қишлоқлар аҳолисини электр нури билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида туман ва вилоят электр тармоқлари идораларига сўровнома билан чиққанидан сўнг, трансформатор қайта таъмирланиб, таъминот яхшиланди. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш мақсадида сув қувурлари алмаштириляпти. Хитой қишлоғида яшовчи ёшларга тадбиркорлигини йўлга қўйишлари учун банклардан молия-

Вақтга қуллуқ қиладиган одам

ёхуд иқтисод фанлари номзоди, доцент, Халқ депутатлари Муборак туман Кенгаши депутати Панжи Жалилов фаолиятига бир назар

билан мазкур жамият ўртасидаги ташландиқ майдонларда иссиқхона ташкил этишни бошлаб юборди. Аввалига ўн нафар тадбиркор бу ишга қўл урган бўлса, бугунги кунда улар сони 100 дан ошиб кетди. Уларнинг барчасини тўлақонли ишлатиш учун марказдаги қозонхонани қайта реконструкция қилиш, кам ёқилғи сарфлайдиган, замонавий ва тежамкор технологиялар ўрнатган ҳолда энергиядан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш борасида ишлар давом этапти. Биргина таклиф билан уч юздан ортиқ йигит-қизнинг бандлиги таъминлангани ҳазилакам ташаббус эмас-да.

– Гуруҳимиз аъзолари Президентимизнинг Қашқадарёга сафари чоғида Муборак туманида иссиқхоналар сонини 5 мингтага етказиш юзасидан берган топшириқлари ижросини таъминлаш борасида тинимсиз изланишяпти, – дейди Панжи Жалилов. – Биз керак бўлса, туманнинг ҳар бир қишлоғида иссиқхона очиш таклифини илгари суряпмиз. Ҳовлисида 2 сотихлик иссиқхона ташкил этмоқчи бўлган оилавий тадбиркорларга томчилатиб суғориш ускунаси, қурилиш материаллари сотиб олиш учун банклардан кредит ажратилишига ёрдамлашяпмиз. Талабга биноан иссиқхоналар қуриб, кўчатлар ҳам ўтқазиб бериляпти. Очиги, одамлар уйғонди, ҳалол ишласа, ҳаёти яхши томонга ўзгаришига ишонди. Бугун шундай иссиқхоналарда нафақат цитрус мевалар, балки сабзавот ва полиз маҳсулотлари ҳам етиштирилиб, туманимиз аҳолиси дастурхонига тортиқ этилаётди. Вилоят маркази ва қўшни туманлар бозорларида бу маҳсулотлар-

захиралари бор. Ана шу имкониятдан оқилона фойдаланаётган тадбиркорлар иссиқлик бепул бўлгани учун яхшигина даромад олишяпти ҳам.

Депутатнинг амалий кўмаги туфайли қишлоқларда маҳаллий ишлаб чиқариш ривожланиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси ҳам яхшиланиб бормоқда. Бўш турган ер майдонлари деҳқончилик ёки тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган ёшларга берилмоқда.

Бу йил депутатлик гуруҳининг таклифи инobatга олиниб, юздан ортиқ ёшларнинг ҳар бирига боғ яратиш учун 1 гектардан ер ажратилди. Мубораклик йигит-қизлар сувсизликка чидамли, чўл иқлимга мос мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилгач, саҳролар бағри яшилликка бурканяпти. Дарахт ниҳоллари ҳали ёш бўлгани учун қатор ораларига мош, полиз ва сабзавот уруғларидан экишиб, мўл ҳосил олдилар. Бугун туман сарҳадларини кезган киши жонажон Ўзбекистоннинг янги боғлари яратилаётганига гувоҳ бўлади. Тадбиркорларнинг талаби инobatга олинган ҳолда худудларда артезиан кудуқлари қазилиб, экин майдонлари оқова сув билан таъминланаётди. Камбағалликни қисқартириш мақсадида кам таъминланган оилаларга уруғлик олиш ва экиш ишларида депутатлар ва партия фаоллари яқиндан ёрдам беришяпти.

Шундай гигант корхоналар жойлашган Муборак шаҳрида болажонлар учун бирорта ҳам дам олиш маскани йўқлиги кўпчилик қатори депутат сифатида Панжи Жалиловни ҳам кўп йиллардан бери ўйлантириб келарди. Бир пайтлар

ташкил этилган сайилгоҳ эса қаровсизликдан харобазорга айланган. У туманда бўлиб ўтган йиғилишларда бир неча бор ушбу муаммони кўтарган бўлса-да, амалий натижа чиқмади. Ниҳоят бу муҳим масала халқ депутатлари туман Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи томонидан чуқур ўрганилиб, муҳокама этилди ва фидойи депутатнинг қатъий саъй-ҳаракатлари туфайли туман кенгаши сессиясига масала сифатида киритилиб, қарори қабул қилинди ва ана шу истироҳат боғи капитал реконструкция қилиниб, жиҳозланди ва болалар ихтиёрига топширилди.

Панжи Жалилов O'zLiDeP туман Кенгаши раиси сифатида Муборакда партия фаоллари томонидан олиб борилаётган ташкилий-партиявий, гоёвий-сиёсий ишларнинг ташкилотчиси сифатида ҳам бошқаларга намуна. Айни пайтда Муборак туманида 4715 нафар партия аъзоси бор. 75 та БПТ фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилда аъзолар сони 170 нафарга, қўйи бўғинлар сони эса 7 тага кўпайди. Партия депутатлик гуруҳининг 11 нафар аъзоси бор. Гуруҳ фаолиятини талаблар даражасида ташкил қилиш ҳам Панжи Жалилов зиммасида. Унинг ташаббуси билан депутатлик гуруҳи томонидан туман кенгаши сессиясига худуддаги йўлларни таъмирлаш, аҳолининг ичимлик суви ва газ билан таъминлашни яхшилаш, қишлоқ врачлик пунктига замонавий тиббий жиҳозлар келтириш, ҳар бир маҳаллада спорт майдончаси, кутубхоналар ҳамда интернет кафелар ташкил этиш юзасидан 3 та масала киритилди. Депутатлар туманда маҳаллий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали экспорт-

боп маҳсулотлар тайёрлаш, ёш тадбиркорларга замонавий минитехнологиялар келтириш, иқтисодий-ҳуқуқий билимларини оширишга кўмаклашиш борасида қатор ишларни амалга оширишяпти. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш дастури юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

Панжи Жалилов “Муборак газни қайта ишлаш заводи” МЧЖда узоқ йиллардан буён самарали фаолият олиб бориш баробарида илмий изланишлар қилиб келмоқда. Энергетика тармоғи истиқболлари ва муаммолари билан шуғулланаётган олимлар, аспирантлар, магистр талабалар учун мўлжалланган “Энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг замонавий масалалари” деб номланган монографиясини чоп эттирди. Мазкур асарда бозор иқтисодиёти шароитида энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлиги кенг таҳлил этилиб, уни таъминлашнинг замонавий йўналишлари белгилаб берилган. Унга таъсир кўрсатаётган омилларни аниқлаш борасида илмий-амалий тавсия, асосли фикр ва таклифлар ўртага ташланган. Иқтисод фанлари номзоди, доцент мазкур мавзунини давом эттирган ҳолда “Энергетика иқтисодиёти” монографиясини ёзди. Кўп йиллик изланишлари натижасида дунёга келган “Бюджет, солиқ сиёсати” монографияси, “Амалий молия”, “Давлат бюджети даромадлари”, “Давлат бюджети харажатлари” каби ўнлаб рисоалари китобхоналарга туҳфа этилди.

Панжи Жалилов партиямиз кашф этган ана шундай билим-

вий кўмак олишда амалий ёрдам берилди. Унинг кўмагида қишлоқларда тадбиркорлик ривожланиб, аҳоли бандлиги ошиб, кўрсатилаётган хизмат тури кўпайиб, сифати яхшиланиб бораётди.

Партия фаоли Муборак туманида лалмикор деҳқончилик, чорвачиликни ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, атроф-муҳит мусоффолигини таъминлаш мақсадида сувсизликка чидамли манзарали дарахт кўчатларини ўтқазиб, эътиборсизлик туфайли йўқолиб кетаётган саксовулзорларни қайта тиклаш, шамол энергиясидан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик субъектлари учун муқобил энергия ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасида тайёрлаган дастури асосида фаолият олиб бормоқда.

Бир депутат бўлса шунча бўлар-да. Албатта, у ҳар доим ганимат деб билгучи вақтни қадрлашни уқтиради. “Бир кунни айтасиз, бир соат ҳам одам боласи учун қимматли. Мен ҳар доим, энг аввало, ўз оилам, фарзанду невараларим даврасига шошиламан. Улардан куч-қувват, илҳом оламан. Шунинг учун ҳам эл ташвишидан чарчамайман-да”, дейди қаҳрамонимиз кулимсираб. Ва секин кўшиб кўяди: “Илтимос, мени кўпам мақтаманг, сайловчиларим, ҳамкасбларимни ҳар қанча олқишласангиз розиман. Депутатлик катта мартаба эмас, аксинча, халққа ҳалол хизмат қилишдек юксак масъулият, шарафли вазифадир. Бу ишонч қандай оқлаётганимизни насиб этса вақт кўрсатади. Ҳали олдинда жуда катта ишлар кутиб турибди”.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

Бошқаларга кафил эмасман, лекин кўпдан бери ўйлаб юрган шахсий мулоҳазаларим шундай хулоса қилишга изн беряпти: вазирлардан тортиб, то катта-кичик ҳокимлар (бошқа тизим раҳбарларини санаб ўтириш ортиқча)гача ОАВни ўзларининг матбуот котиблари орқали кузатяпти.

Шу ўринда очик айтиш керак, матбуот котиби... бу мақом ўзини қай даражада



дан қатъи назар, ўзи ижтимоий тармоқда ва аҳоли билан кечадиган учрашувларда ҳам ошқора эълон қилган телефондаги телеграм рақами, ишонасизми, 24 соат очик туради. Савол-жавоблар ҳам анчайин эркин. Албатта, баъзан ўринли, ўринсиз, маза-бемаза аччиққина танқидий фикрлар ҳам чиқиб қолади. Имкони борича ҳар бир мурожаатнинг мазмун-моҳиятига қараб, тегишли тартибда назоратга олиниб, кечиктирмасдан чора кўришга ҳаракат қилинаётгани одамларга маъқул бўляпти, – дейди Маънавий-маърифий ишлар

Ҳақиқат девор ортида эмас

ёки матбуот котиблари қачонгача ўз раҳбарини танқиддан ҳимоя қилади?

уддалаётгани ҳақида жўялироқ хулоса қилмоққа ҳозирча шошилмайлик. Яхшиси, улар ахборот котиблари дейилса, янада тўғрироқ бўлади. Сабаби, бу вазифага тайинланаётган (балки тавсия қилинаётгандир) ларнинг кўпчилиги матбуот соҳасидан – асосан, босма нашрларни назарда тутяпман, анча йироқ кадрлар.

Аксинча, уларнинг 99 фоизи ҳар доим “бошоғриқ” мавзуларни кўтариб юрадиган баъзи хорижий оммавий ахборот воситалари ҳамда мамлакатимиздаги нари борса, уч-тўртта оммалашган сайтлар ва бир қатор телеграм каналларни кеприк қоқмай, қулоғи динг бўлиб кузатиб ўтиришларини айтмаганда, бошқа ишлари, кўпинча ахборот йиғиш, ҳисобот тайёрлаш, келган хат, мурожаатларга жавоб ёзишдан иборат.

Нари борса, раҳбариятга тегишли бирор худуддан шикоят чиқса, ўша захоти, раҳбари топшириғи билан, албатта, у ўша жойга ўқдай учиб боради ва масалага ўзича “холисона” ечим топиб қайтади...

Хўш, аввалбошда роса мақталган, креатив, замонавий, хуллас, турлича янги талаблар юкланган бу услуб, таомил ўзини қай даражада оқляпти?

Йўқ, қайси бир матбуот котиби ё ахборот хизмати мутасаддисини олмайлик, аксар қисми мураса-ю мадора йўлини танлаб ишляпти, десам, эртагаёқ юзтаси ёппасига ёкамга ёпишади. Нималар деб оммани чалғитяпсиз, дейди. Ахир, биз ҳар қандай вазиятда, айниқса, ҳозирги пандемия шароитида онлайн, видеоконференцалоқа, хулласки, турли-туман масофавий усулларда ўтказаяётган тадбирларимизни кўрмайспизми, ҳали телевизорда, ҳали ижтимоий тармоқлардаги сайту каналларимизда неча

минг-минглаб материалларимиз потирлаб чиқиб ётибди, биз туну кун ишляпмиз, дейишлари аниқ.

Рақамлар керакми, марҳамат, шунча марта... ўқий десанг, кўзлар тиниб кетади бу ҳисобот-рақамлардан, ишонсангиз. Лекин қани, сизнинг номигагина тасдиқланган, қанча нуфузли идораларга жўнатилган куп-куруқ режангиз халқимиз ҳаётида қандай акс этяпти, деб сўраб кўрайлик-чи, нима деб жавоб қайтарар экан ана шу муҳтарам матбуот котиблари!

Зўр ишляпсизлар, одамлар сизлардан мингдан-минг рози, сиз мансуб бўлмиш маҳкаманингизга келаётган ҳамма мурожаат, шикоятлар ўз вақтида ечимини топяпти, сиз халқ ва раҳбарият ўртасида кўприк бўлиб, ўз вазифангизни муносиб уддалаяпсиз, яшанг, дейдиган бўлсам-чи? Унда мен ёлгон гапирган бўламан. Негаки, бугунги матбуот котиблари (асосан давлат бюджети ҳисобидан харажатлари қопланадиган идора ва ташкилотлар назарда тутиляпти, негаки, нодавлатларнинг йўриғи бошқа, албатта) дан кўпчилиги ўзи фаолият юритаётган тизим билан ОАВ ўртасида яширинча “Хитой девори” қуриб олганига анча бўлди. Шунинг учун ҳам бугун айрим (афсуски, ҳаммаси эмас) босма нашрлар, телеканаллар, сайтларда берилаятган танқидий чиқишлар қумга сингган сувдек изсиз йўқолиб кетяпти. Наридан борса, икки энлиққина (шундай эгизак жавобларни ҳатто қоплаб йиғиб юрган инсонлар орамизда кам эмаслиги ҳақиқат) расмий хатни жўнатиб кутилишади, холос. Юртдошларимизга ўз мурожаатлари юзасидан халқ қабулхоналари, ҳукумат миқёсидаги маҳкамаларга йўлланган жавоблар, ҳамма-ҳаммасининг мазмуни деярли фарқланмайди, бир хил, нима бўлсаям, масъулият-

дан кутилса бўлди. Вақт ўтиши ҳисоб.

Кейинги пайтларда яна бир қизиқ манзарага гувоҳ бўляпмиз: ўша матбуот котиби ОАВда чиққан танқидий материални имкони топди дегунча хўжайинига кўрсатиб, у кишининг нозикқина асабларини бузишни ўзига эп кўрмайди? Тўғри-да, қайси темир танли раҳбар эрталаб ишга келиб, ўз тумани, вилояти ёки вазирлиги, борингки, бирор кўмитаси танқид қилинган мақола-чиқишни хуш кўради? “Юқори”дан эшитиб қолмаса, аксар ҳолларда бундай кутилмаган чиқишларга шошилиш равишда, хаспўшланган ёлгон (шаблон десам, балки тўғрироқ бўлар) жавоблар тайёрланади. Шу билан тамом, ўрага сичқон тушди, гулдур гуп.

Бундай мисоллар тиқилиб ётибди. Афсусланарли жиҳати, танқидга мурасасиз раҳбарлар ҳозир пандемияга ич-ичидан раҳмат айтаётган бўлса не ажаб! Сабабки, ҳаммаёқда карантин, шикоятга ўрин йўқ, яхшиси, уйингизда қолинг! Худди шундай ҳолат бизнинг таҳририят мисолида кўп марта рўй бергани учун айтяпман.

Яна бир оғриқли масалага ечим топиш фурсати етди деб ўйлайман. У ҳам бўлса кейинги пайтда маҳаллий ҳокимликлар (туман, шаҳар, вилоят миқёсида) ҳукумат қарори ижросини расмиятчилик учунгина бажариш учун тажрибасиз, журналистикадан бутунлай беҳабар, компьютер ё интернетни чала-чулпа биладиган думбул ёш-ёш йигит-қизларни матбуот хизматларига ёппасига ишга олиб ётибди. На малака бор, на хат-савод бундайларда. Оқибатда тўрт қатор сўзни эплаб ёзолмайдиганлар ҳар қадамда “қовун тушириб” қўйишяпти.

Тақлифим: ҳозир мўмайгина ойлик маош олиб, расман фаолият юритаётган матбуот

котибларининг профессионал журналистика, ижодий салоҳиятга алоқадорлик масаласи атрофлича кўриб чиқилиши зарур. Улар орасида шу соҳанинг қаттиқ нонини татиганлари, эл орасида обрў-эътибор қозонганлари бармоқ билан санарли. Аммо шу баҳонада ўз вазифасини сидқидилдан, ҳалол ёндашган ҳолда уддалаётган ҳамкасбларимиз меҳнатини ҳам эътироф этмоқ жоиз деб ҳисоблайман. Масалан, Ҳаётхон Шамсутдинов (Бош прокуратура), Севара Ўринбоева (Адлия вазирлиги), Фозил Фарход (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси), Муҳаммаджон Обидов (Фарғона вилоят ҳокимлиги), Беҳзод Қобулов (Тошкент вилоят ҳокимлиги), Лола Раҳмонбоева (Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси), Беҳзод Бозоров (“Ўзсаноатқурилишбанк”), Юнус Бўронов (АТБ “Халқ банки”), Сарвар Очилов (АТБ “Микрокредит банк”) сингари матбуот хизмати раҳбарлари ва яна бошқа бир қатор идоралар матбуот котиблари ёритилаётган ҳар бир мавзуга холисона муносабат билдиришга уринаётганини кутлаш керак.

Яна бир унчалик мураккаб бўлмаган, деярли катта куч ёки маблағ талаб қилмайдиган беминнат тажрибани оммалаштириш вақти-соати етиб келди шекилли. Бу бевосита жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар қошидаги ахборот хизматлари фаолияти билан боғлиқ. Шу ўринда ибратли бир мисолни келтирмоқ жоиз: Китоб тумани ҳокимлиги шафелигида очилган телеграм гуруҳининг ижтимоий тармоқларда, айниқса, “Facebook”даги мулоқотлари аҳоли ўртасида катта қизиқиш уйғотаётганига кўп бора гувоҳ бўлдик.

– Табиийки, мурожаатларнинг мазмуни турлича, очиги, аксарият қисми танқидий руҳда. Ҳоким қаерда бўлиши-

самарадорлигини ошириш ва давлат тили қонун ҳужжатларига риоя этилиши бўйича Китоб тумани ҳокими маслаҳатчиси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Лола Ўроқова.

Афсуски, оддий ҳақиқат шуки, давлат раҳбари истаётган ва кутаётган холислик ва ҳаққонийлик бизнинг ҳақиқий ҳаёт мезонимизга айлансагина, одамларнинг ишончини қозона оламиз. Акси бўлса, яна ўша эски тос ва эски ҳаммомлигича қолаверади. Ўзгаришни ўзимиздан бошламасак, маломат тошлари отилаверади: журналистлар ундоқ, блогерлар бундоқ, матбуот котиблари қотиб қолган, тўғри танқидни кўтаролмайди, раҳбарининг қош-қовоғига қарайди, байрамлар баҳонасида сийланган бўлса, урди Худо, қабилидаги нордон гапларни эшитиб, теримиз қалинлашиб, қулоғимиз қотиб қолмаслиги керак. Аксинча, ҳушёр бўлмасак, кечирилмаймиз. Шундоғам мақтангулик ҳолимиз қолмаяпти. Ҳали униси, ҳали буниси жамият оғриқларига даво-малҳам топилмаётган нуқталарда, гарчи норасман бўлса-да, “тўртинчи ҳокимият” вакиллари саналган журналистларни ҳам жамиятда кечаётган эврилишлар силсиласида томошабинлик, мурасасозлик қилаётгани боис айрим узоқни кўролмаётган, худбин, такаббур корчалон, амалдорларга қўшиб айблашаётгани ҳам ростлигини инкор қилолмаймиз.

Энди катта тошойнада бизнинг аксимиз ҳам кўриниб қоляпти. Ана шу соялар ортида ҳақиқат отлиғ ҳакам бўйлаб турибди. Девор ортида эса...

Норқобил ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

“Хуррият” газетаси
2020 йил 23 сентябрь, 33-сон

Идораларда ижро интизоми: Илгаригидан илгаричи (ми?)

Идрок нелигини идроки кучлилиги тахмин қилинган танишларимдан сўрадим. Аксариятининг жавоби қисқа бўлди: соғлом фикр. Олимлар тавсифини тўғри англаган бўлсам – идрок руҳий ҳилқат, унинг ташқи сурати эса муомала маданиятида, инсоннинг ўз ишига муносабатида, шахсий масъулиятида, юклатилган вазифага нисбатан ижро интизомида яққол намоён бўлади. Дарҳақиқат, қаердаки маданиятли кишилар кўп бўлса, ўша идорада тартиб бўлади, сансалорлик ва буйруқбозлик чекинади. Гийбат камаяди, беҳуда сафсаталарга вақт сарфланмайди. Фаолиятнинг изчиллиги ва тизимлиги таъминланади, самардорлик ошади.

...Очигини айтсам, 35-40 йил бурун қишлоқ оқсоқоллари гурунгида қулоғимга кўп чалинган баъзи гапларнинг мағзини энди тўлиқ чақяпман чоғи. Овул катхудолари амалдорлар хусусида сўз очганда “У яхши одам, маданиятли инсон, диёнатли раҳбар” дея идроки кучлилиги, “Фалончи бошлиқни фаросатдан қисганда, заррача маданияти йўқ” деганида эса манфаатпараст мутасаддиларни назарда тутишган экан.

Дўппи ёнга олиб ўйланса, чин дунёга кетган ўша нурунийларнинг жайдари фалсафаси ҳозир ҳам ўта долзарб, балки аввалгидан-да муҳим аҳамият касб этаётганини илғаш мушкул эмас. Қайси муассаса ёхуд идора пешонасига закий буваларнинг дастлабки таърифидидаги раҳбарлар ёзилган бўлса, берди Худо, иккинчисига дуч келганларни эса урди Худо. Маъмурий-худудий бўлинишлар кесимида, яъни туман (шаҳар)лар ва вилоятлар ҳокимлари мисолида бу жиҳат янада ёрқинроқ кўзга ташланади. Маданиятли ва диёнатли ёшуллилар етакчилик қилган жойларда адолат истаб битиладиган шикоятлар минимум даражада бўлади. Бундай худудларда фақат “ёзиш”ни касб қилганларгина ёзади.

Бир саволни кўндаланг қўйишга тўғри келади: идораларда ижро интизоми сустиги умуммаданият ривожига, жамият тараққиётига нечоғли таъсир кўрсатади? Риторика нелигини билганлар билвосита ва бевосита деб қўя қолади. Батафсиллики хуш



кўрадиганлар эса “муассаса мутасаддиларининг масъулиятсизлиги нафақат ўша ташкилот ҳамкорларига, балки кенг жамоатчиликка ноқулайлик туғдиради, оврагарчиликларнинг болалашига олиб келади” дея тушунтиради. Пировардида нуфусда ҳақли эътироз ва норозиликлар юзага келади. Тушкун кайфиятдаги ходимларнинг фойдали иш коэффиценти ҳам тушиб кетади. Индаллосини айтганда, маданиятсизлик туфайли ижро интизомига риоя этилмаслиги оид ижтимоий ҳодиса оқибатида иқтисодий турғунлик, ҳатто таназзул бўй кўрсата бошлайди.

Холислик нуқтаи назаридан таъкидлаш жоиз, кейинги уч-тўрт йилда идораларда ижро интизоми сифати аввалгидан кўра анча илгарилаб кетди. Бироқ бунга масъул ижрочиларнинг идроки кучайгани, маданияти юксалгани орқали эмас, юқори турувчи ташкилотларнинг, халқим бугун яхши яшаши лозим дея қўнаётган фидойиларнинг сиёсий иродаси боис эришилмоқда, десак хато бўлмайди. Қаттиққўллик йўқ жойда эса эски ҳаммом, эски тос янглиғ иш юритилапти. Шералини Алишерга ўзгартириб, такомиллаштирдик, соддалаштирдик дея ахборотлар берилаёттир. Яратилмаган қулайликни кенг имкониятлар эшигини очиш тарзида талқин қилиш учун муайян маблағ эвазига PR-компаниялар уюштирилаётгани маданий савия саёзлиги аломатидир.

Исботу далил учун бугунги реал ҳаётдан бир-иккитагина мисол келтираамиз.

Яқинда веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар, расмий нашрлар, телерадиоканалларда “Энди доллар олишда паспорт талаб қилинмайди”, “Валюта операцияларини амалга ошириш соддалаштирилди”

сарлавҳали хабарлар кенг тарқатилди. Мақсад банк тизимининг аҳолига, тадбиркорлик субъектларига улкан қулайликлар яратаётганини тарғиб қилиш ва соҳанинг имижини яхшилаш бўлган, албатта. Акс ҳолда, бир мазмундаги хабар кўп жойда чиқмасди. Аслида оддий одамлар учун ҳеч нарса ўзгармагани сал вақт ўтиб аёнлашди.

Гап шундаки, Марказий банк бошқаруви томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш қоидалари” Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган ва 2020 йилнинг 1 сентябридан кучга кирган. Мазкур ҳужжат валютани тартибга солиш соҳасидаги амалда бўлган 5 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни унификация қилиш орқали қабул қилингани, жумладан, жисмоний шахслар билан валюта операцияларини амалга оширишда улардан паспорт нусхаси талаб қилиш билан боғлиқ норма чиқариб ташлангани зўр бериб таъкидланди.

Бу хабар билан танишган 100 кишидан 99 нафари ундан энди паспорт талаб этилмаслигини илғгани аниқ. Аммо ундай бўлиб чиқмади. Банк паспорт сўрашда ҳозир ҳам давом этмоқда. Ани масалага ойдинлик киритиш учун Марказий банкка қилинган мурожаатларга қуйидагича жавоб берилаёттир: “100 доллардан ошган сумма учун паспорт сўралади, фақат нусхаси (копия) олиб қолинмайди. Аввал банк ходими паспортдан нусха олиб қолган. Ҳозир фақат компьютерга паспорт маълумотларини киритиб қўйиши кифоя”...

Унда, ҳеч бўлмаса, расмий ахборотдаги “...паспорт нусхасини талаб қилиш билан боғлиқ норма чиқариб ташланди”, жумласини “...паспорт нусхасини олиб қолиш билан боғлиқ

норма чиқариб ташланди” дея ўзгартириб қайта эълон қилиш мақсадга мувофиқ эмасмикан? Нега бу тузатиш масъуллар томонидан эътиборсиз қолдирилди. Валюта айирбошлаш шохобчасига паспортсиз борганлар яна саргардонликдан азият чекапти, яна қўл силтаганча “ОАВда айтилгани ҳаётга тўғри келмаскан-да” дея эътироз билдирипти.

Бунда мантиқсизлик шундаки, аввал мавжуд қоидаларни янгилашга масъуллар “...паспорт нусхасини талаб қилиш билан боғлиқ норма чиқариб ташланиши” билан амалда ҳеч нарса ўзгармаслигини ўртага қўйишмаган. Адлиячилар эса уни қандай рўйхатдан ўтказганига ҳайронмиз, холос.

Халқ таълими вазирлиги онлайн дарсларга мамлакатнинг энг яхши ўқитувчилари жалб қилинганини, фарзандларимизнинг билимини кучайтириш мақсадида бу борада ҳеч қандай таниш-билишчиликка йўл қўйилмаслигини роса реклама қилди. Вазир ўринбосарлари интервьюлар берди. Аммо телесабоқлар бошланиши билан ҳаммасининг миси чиқди. Инглиз тили ўқитувчиси эфирда АҚШнинг пойтахти Нью-Йорк эканига болаларни “ишонтирди”. Пекин инглиз тилида қандай ёзилиб, қандай талаффуз қилиниши бўйича “инновация” яратди. Энг ачинарлиси, бу дарс аввал ёзиб олинган ва уни вазирлик мутасаддилари кўриб муҳокама қилишгандир ҳам. Мана сизга ижро интизоми сустигининг ҳаётга таъсири.

Орадан икки кун ўтиб, вазирлик мазкур хато учун узр сўрагани ҳақиқий хато бўлди. Чунки ўзга шаҳарга пойтахт мақоми бериб юборилиши хато эмас – масъулиятсизликдир. Назорат борасидаги жавобгарлик унутилгани, яъни шу видеодарсни қабул қилганда бошқа

нарсаларни ўйлаб ўтиришнинг “меvasи”дир.

Бундай тамойил остида иш юритиладиган бўлса, Паркент тумани ҳокими ҳам “Энди ўғлимнинг фирмасига катта маблағ ўтказмайман, узр” деса олам гулистонга айланиб кетаверадими? Вилоят ҳокимлиги расман таъкидлаганидек, ойлик маошидан сунъий нафас олиш аппарати олиб берса, ўз билганича иш тутадими? Фойдаланилган “Captive” учун сарфланган 269 миллион сўмга қайсидир маҳаллага тоза ичимлик суви қувурларини тортиш ёхуд қишда ботқоққа айланадиган бир-икки кўчани замонавий асфальт қилиш мумкин эди-ку! Қизиқ-да, баъзи муаммоларнинг ечимига бюджет пули етмагани учун ихтиёрий-мажбурий равишда тадбиркорларга юкланади, ҳокимларнинг ўзига қулайлик яратишга келганда эса анқонинг уруғи ҳам топила қолади. Яна шу маблағ ҳам фарзандининг ҳисобрақамига ўтказилса-я?!

Мавзуга оид галдаги муаммо мурожаатчиларни қабул қиладиган мутасаддиларнинг бош мия ярим шарларидаги маданият ва манфаат, идрок ва “илтимос”лар курашида кўпинча иккинчи жиҳатлар устун чиқаётгани билан боғлиқ. Бу ҳолат қуйи бўғиндаги ходимлардан тортиб, ҳокиму вазирларгача бирдек тааллуқли. Ана шундай раҳбарлар баъзи пайтларда идрокига “таътил” бериб қўйгани учун рўпарасидаги инсонни тушунмаслиги, унинг ўрнига ўзини қўйиб кўра олмаслиги оқибатида муомала маданиятини унутади, ҳақоратлайди, истаган жойинга бор, дейди. Адолат пешвосининг адолатсизлигини кўрганларнинг олдида дардини виртуал оламга ёйишдан ўзга йўл қолмайди. Рост-да, туман ҳокими устидан вилоят ҳокими шикоят қилганларнинг масаласи ҳал бўлганини биров кўрганми? Тескари эффектларга мисоллар эса бисёр!

Идрокдан бошлаган гапимиз айланиб-ўргилиб ижтимоий тармоқлар масаласига келиб уланди. Назаримда, телеграм, фейсбук ва инстаграм имкониятларидан фойдаланиш маданияти хусусидаги мулоҳазаларни кейинги галга қолдирганимиз маъқул. Инчунун, ижтимоий тармоқларга уятли-уятсиз, тасдиқланган-тасдиқланмаган маълумотларни, фото-видеоларни жойлаш ўша инсоннинг маданияти ва идроки нечоғлиги, шахсий ҳаётидаги ижро интизоми нақадар тартиблигига ишора қилади.

Ҳисобот учун

Ишламаймиз

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг III мажлиси, таъкидлаш лозимки, таҳлилий, ошқора руҳда ўтгани бизда ҳам катта таассурот қолдирди. Шу кунларда мазкур тadbирда кўтарилган долзарб масалалар ва олдимишга қўйилган вазифаларни атрофлича муҳокама қиляпмиз.

Шаҳримиздаги 34 та маҳаллада 34 минг 269 та хонадон бўлиб, уларда 175 мингга яқин аҳоли яшайди. Мамлакатимиздаги етакчи сиёсий партия вакиллари сифатида биз ҳам ҳамшаҳарларимизнинг қувонч-ташвишига шерикмиз. Айни пайтда халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги 30 нафар депутатнинг 11 нафари O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари ҳисобланади. Кенгашимиз таркибида 3655 нафар маслақдошимизни бирлаштирган 80 та бошланғич партия ташкилоти фаолият олиб бормоқда. Бу рақамларни ҳисобот учун келтираётганим йўқ, аксинча, катта имкониятларга эга эканимизни таъкидлаб ўтишдир.

Чунки фаоллар ҳамда депутатларимизнинг обрў-эътибори сон билан эмас, балки амалга оширилган ишлар билан ўлчанади.

Хўш, ўтган вақт давомида бундай катта куч ва кенг имкониятлардан қанчалик фойдалана олдик? Масалан, ҳар бир ноиб ўз сайлов округида 10 та ташаббусни амалга ошириш учун ҳафтанинг шанба куни аҳоли билан учрашувлар ўтказиб, тушаётган таклиф, тавсия ва мурожаатларни атрофлича ўрганиб, мавжуд муаммоларга ўз депутатлик ваколати доирасида ечим топишга ҳаракат қиляпти. Коронавирус пандемияси даврида ҳам депутатларимиз қатор хайрли ишларга бош-қош бўлишди. Бу, айниқса, "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракатида, Сардоба сув омборидаги техноген ҳалокат оқибатларини бартараф этишда яққол намоён бўлди. Абдулазиз Хўжақов, Шавкат Азимов ва яна ўнлаб депутатларимиз бу борада бошқаларга намуна бўлди.

Айни пайтда "Ёшлар қаноти", "Аёллар қаноти" гуруҳлари фаолиятини янада яхшилаш, улар билан ҳамкорликда шаҳар ёшлар, хотин-қизлар бан-

Худудий кенгашларда



длигини таъминлаш, тadbиркорликка йўналтириш, ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида аниқ чора-tadbирлар режаси ишлаб чиқилди. Шаҳардаги барча маҳалларда "O'zLiDeP кутубхоналари"ни ташкил этиш, мавжудларидаги китоб

фондини кўпайтириш борасидаги вазифалар ҳам доимий диққат-эътиборимизда.

Муҳаббат АДИЛОВА,
O'zLiDeP Жиззах шаҳар
Кенгаши аппарат раҳбари,
халқ депутатлари Жиззах шаҳар
Кенгаши депутати

Огоҳ бўлинг!

Кўза кунинда синиши мумкин

...Шу йилнинг 16 сентябрь куни соат 01:30 да пойтахтимизнинг Сергели тумани худудида 3201-сонли тепловоз ҳаракатлини кетаётганда 9-синф ўқувчиси, 2006 йилда туғилган Акром Ботиров(исми-фамилияси ўзгартирилган) ни велосипеди билан бирга уриб юборган. Боиси Ботир "Тошкент металл" заводига кириш йўлида велосипед билан темирйўл изидан ўтаётиб, қалтис ҳаракат натижасида эҳтиётсизликка йўл қўйган. Хайриятки, велосипеднинг яроқсиз ҳолга келганини инобатга олганда, ҳодиса фожиали яқун топмади.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддаси транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш билан боғлиқ меъёрларни ифодалайди. Унга кўра, транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, жиноий жавобгарлик юзага келади. Мазкур қилмиш одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади ва ЖКнинг 266-моддаси тегишли қисмлари билан малакаланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги "Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 370-сонли қароридан ҳайдовчилар томонидан темирйўл кесишмасига яқинлашганида қандай қоидаларга қатъий амал қилиши кўрсатиб ўтилган. Ушбу қоидаларнинг 117-бандига мувофиқ, темирйўл кесишмасига яқинлашиб келаётган ҳайдовчи йўл белгилари

ва чизикларига, светофор ишораларига, шлагбаум ҳолатига, кесишма навбатчисининг кўрсатмаларига амал қилиши, яқинлашиб келаётган поезд (локомотив, дрезина) йўқлигига ишонч ҳосил қилиши шарт. 118-бандда эса темирйўл кесишмасига қуйидаги ҳолларда кириш тақиқланади:

- светофор ишорасидан қатъи назар, шлагбаум ёпиқ турган ёки ёпила бошлаган ҳолатда, кесишма тўсувчи қурилма кўтарилиб турган ёки кўтарила бошлаган ҳолатда;
- шлагбаум ҳолатидан қатъи назар, светофорнинг тақиқловчи ишорасида;
- кесишма навбатчисининг тақиқловчи ишорасида (навбатчи ҳайдовчиларга олди ёки орқаси билан туриб таёқчани, қизил чироқ ёки байроқчани юқорига кўтариб турса ёки қўлларини ёнга узатса);
- кесишмадан кейин ҳосил бўлган тирбандлик туфайли ҳайдовчи кесишмада тўхташга мажбур бўладиган ҳолларда;
- агар кўриши чегарасидаги масофада кесишмага поезд яқинлашиб келаётган бўлса.



Бундан ташқари, кесишма олдида турган транспорт воситаларини қарама-қарши ҳаракатлиниш бўлагига чиқиб айланиб ўтиш, шлагбаумни ўзбошимчалик билан очиш, кесишма орқали қишлоқ хўжалиги, йўл қурилиши, қурилиш ва бошқа машина ҳамда механизмларни олиб ўтиш, темирйўл дистанцияси бошлигининг руҳсатсиз тезлиги соатига 8 километрдан кам бўлган транспорт воситаларини ҳаракатлиниши ҳам таъқиқланган.

119-бандга кўра, кесишма орқали ҳаракатлиниш тақиқланган ҳолларда ҳайдовчи тўхташ чизиғи, 2.5 йўл белгиси ёки светофор олдида, улар бўлмаганда шлагбаумга камида 5 метр, шлагбаум бўлмаганда эса биринчи темирйўл изига камида 10 метр қолганда тўхташи керак.

Аксариятимизга яхши маълумки, бу каби муҳим қоидаларни яна бир бор батафсил эслатаётганимизнинг боиси баъзан ҳайдовчилар, баъзан пиёдаларнинг айби билан турли йўл транспорт ҳодисалари ҳамон содир этилаётгани ва аянчли оқибатларидан огоҳлантиришдир. Йўлларда ҳаракатланаётганда қоидаларга амал қилиш ҳар бир йўл ҳаракати иштирокчисининг бурчидир.

Қиш мавсуми яқинлашиб келаётгани сабабли йўлларда ҳаракатлинишда ҳайдовчи ва пиёдалардан янада кўпроқ масъулият талаб этилади. Чунки ёғингарчиликлар бўлиши ҳамда туман тушиб, кўриш чегарасининг камайиб кетиши йўл ҳаракати қатнашчиларига мураккаблик туғдиради.

Мухтасар хулоса шуки, ҳушёрлик ва огоҳлик ҳар лаҳза муҳим.

Нозим ФУЛОМОВ,
Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси Тергов бошқармаси катта терговчиси

Навоий шаҳридаги “Навоийдонмахсулотлари”



акциядорлик жамияти жамоаси

*юртимизнинг эртанги эгалари, кўзимизнинг оқу қораси,
ёруғ умидимиз бўлмиш азиз фарзандларимизга ўзларининг қалб қўри,
бор меҳру муҳаббатини бахшида этиб, ҳаёт сабоқлари, илм
сирларини ўргатаётган қадрли устозлар, касб байрамингиз муборак бўлсин!*

*Фидойилик ва жасорат
тимсоли бўлмиш муаллимларимизга
эзгу мақсадлари йўлида
ҳамиша улкан
зафарлар ёр бўлишини тилаймиз.
Сизларга игна билан қудуқ қазишдек
ўта машаққатли фаолиятингизда
омад ёр бўлсин.
Шогирдлар камолини кўриш,
эл-улусдан дуо олиш
барчангизга насиб этсин!*



Дўстлик туманидаги
“Дўстлик дон маҳсулотлари”

акциядорлик жамияти жамоаси

таълим-тарбия соҳасида фидойилик
 намуналарини кўрсатиб, беминам хизмат
 қилаётган барча устозу педагог ходимларни
 қутлуғ байрам – Ўқитувчи ва мураббийлар кунини
 билан самимий муборақбод этади!

Муҳтарам устозлар, сизларга ҳар қанча таъзим
 айлаб, шаънингизни улуғлаб, минг бора таъриф
 таъриф этсак-да барибир камлик қилади.

Сизлар эртамингиз эгалари бўлмиш ёш, навқирон
 авлодни тарбиялаш, илму маърифат
 улашишдек ўта оғир, машаққатли ва, ўз навбатида,
 зоят шарарли бурчингизни муваффақиятли адо
 этияпсизлар. Барчангизга Ватан, халқимиз олдидаги
 ушбу масъулиятли вазифани уғдалашингизда куч-қувват,
 сабру ирода ҳамиша ҳамроҳ бўлишини тилаймиз.
 Умумхалқ байрами муборақ бўлсин, азизлар!



Янги ўқув йили янги мактабда

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 20 февралдаги “Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Қарши шаҳрида ҳам маҳобатли мактаб кад ростлади. Мазкур 168 ўринли Президент мактаби қисқа фурсатда замонавий архитектура меъёрлари асосида барпо этилмоқда. Бу ерда моҳир қурувчи Собир Холмуродов бошчилигидаги “Пудина Қувончбек” масъулияти чекланган жамияти қурувчилари жонбозлик кўрсатиб, айна дамда иншоот фойдаланишга топширилиш арафасида.



Суратда: “Пудина Қувончбек” МЧЖ иш юритувчилари Тошев Хайрулла ва Меймуродов Исомиддин.

Янги бино янги ўқув йилига муносиб туҳфа бўлди. Ушбу 465 миллион сўмлик лойиҳани амалга оширишда Жамхур Муҳаммадиев раҳбарлигидаги “Алжамхур” хусусий корхонаси бинокорлари сидқидилдан меҳнат қилди.

Шунингдек, Косон туманидаги 67-мактаб ўқувчилари ҳам янги ўқув йилида янгича қиёфага эга даргоҳда таҳсил олишади. Бу ерда қўшимча 300 ўринли ўқув биноси бунёд этилиб, мактаб реконструкция қилинган. Мазкур бинокорлик ишларини жонкуяр қурувчи Собир Фаниев бошчилигидаги “Наврўз капитал қурилиш” МЧЖ жамоаси 2 миллиард 5 миллион сўм эвазига ниҳоясига етказишди.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
“XXI asr” мухбири

Бундан ташқари, вилоятда “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси буюртмасига кўра, қа-

тор инвестиция лойиҳалари ҳам амалга оширилмоқда. Жумладан, Китоб туманига қарашли Иттифоқ

қишлоғи ҳудудида янги 40 ўринли 87-умумтаълим мактаби филиали қурилиб фойдаланишга топширилди.

Хизматлар лицензияланган.

УРГАНЧ ШАҲРИДАГИ

“Foreign experience”

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

шарафли ва масъулиятли касб эгалари бўлмиш устоз ва муаллимларимизни 1-октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан кутлаб, уларга сиҳат-саломатлик, фаолиятида улкан зафарлар ёр бўлишини тилайди. Юксак инсоний фазилятлар тимсоли бўлган азиз ва мўътабар зотлар олдида ҳамиша таъзимдамиз!



Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Андижон вилояти Кенгаши жамоаси партия фаоли **Нурилло РАҲМАТУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила-аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар ҳоқими маҳкамасининг коммунал мулкчилик ва хусусийлаштириш бош бошқармаси томонидан берилган 2000 йил 3 октябрдаги 08-02/14589-сонли давлат Далолатномаси йўқолгани сабабли ўз юридик кучини йўқотганини маълум қиламиз.



“Шўртан Газ Кимё мажмуаси”

масъулияти чекланган жамияти

Устоз деган шарафли номни улуғлаб келаётган юртимиздаги барча инсонларни умумхалқ байрами – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан табриклайди!

Ёшлар тарбияси йўлидаги улунвор вазифани ўз зиммаларига олган Сиздек инсонлар қаршида доимо таъзимдамиз.

Юксак масъулиятли, машаққатли меҳнатингизда зафарлар, оилавий ҳаётингизда эса бахт, омад ёр бўлишини тилаймиз.



Хизматлар лицензияланган.



MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Актам ХАЙТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шухрат БАҒОЕВ
Мавлуда ХЎЖАЕВА

Сирожидин САЙИДИ
Адхам ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ

Фаррух ЖАББОРОВ
Бош муҳаррир
Уринбосари

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73^а-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона – 71 215-63-80
(тел./факс),
Котибият – 71 281-40-17
Обуна ва реклама
бўлими –
71 215-60-45, 71 255-68-50

“XXI asr” ijtimoiy-siyosiy gazetasini
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами
билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-3 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 958 Тираж: 2686
Баҳоси келишилган нарҳда.

ЎЗА яқуни – 22:10
Топширилди – 23:10

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида
терилди ҳамда дизайнер

Маъруфжон Раҳмонов
томонидан саҳифаланди.



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Беҳзод ИСРОИЛОВ.